

Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида Марказий банкка юқлатилган республикада ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб, 2018 йил давомида Марказий банк томонидан ҳисоб-китоблар тизимининг барқарор фаолият юритишини ва уни энг замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ ривожланишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишларидан бири сифатида тўлов тизими барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлаш белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда рақамли банкингни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда 2018 йил 8 августда тасдиқланди.

1. Банклараро электрон тўлов тизими ривожланиши


Ҳисобот йилида иқтисодиётдаги тўлов ва ҳисоб-китобларнинг асосий қисмига, яъни нақдсиз шаклда амалга ошириладиган операцияларга хизмат қилувчи электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган тўлов хизматлари ва маҳсулотларини кенг жорий қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўловларни амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Бугунги кунда республикамида халқаро андозаларга жавоб берувчи самарали электрон тўловлар тизими яратилган бўлиб, у ўз навбатида, 3 турдаги тўлов тизимларидан – банклараро тўлов тизими, банкларнинг ички тўлов тизимлари ва чакана тўлов тизимларидан ташкил топган.

2018 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар суммаси 2017 йилга нисбатан 32 фоизга ортиб, 845,6 трлн. сўмни, ўз навбатида амалга оширилган операциялар сони эса 74,7 млн. тани ташкил қилди.


1-чизма

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
2016-2018 йилларда амалга оширилган транзакциялар суммаси (млрд. сўмда)



2-чизма

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
2018 йил мобайнида тўлов ҳужжатлари бўйича
амалга оширилган транзакциялар сони, мингда**



2018 йил мобайнида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларнинг тўлов ҳужжатлари кесимидағи таҳлили:

- тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 41,2 млн. тани (жами транзакцияларнинг 55,2 фоизини), транзакциялар суммаси эса 563,9 трлн. сўмни (жами транзакциялар суммасининг 66,7 фоизини);

- мемориал ордер орқали амалга оширилган транзакциялар сони 26,9 млн. тани (36,1 фоиз), транзакциялар суммаси эса 278,4 трлн. сўмни (32,9 фоизни);


- инкассо топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 5,9 млн. тани (8,0 фоиз), транзакциялар суммаси эса 2,5 трлн. сўмни (0,3 фоиз) ташкил этди.

Шу билан бирга, тўлов талабномаси ва аккредитивга аризадан фойдаланиш кўрсаткичи жуда паст бўлиб, мос равишда тўлов талабномаси орқали амалга оширилган транзакциялар сони 480 минг тани (0,6 фоизни), транзакциялар суммаси эса 716,8 млрд. сўмни (0,1 фоизни) ташкил этган бўлса, аккредитив бўйича амалга оширилган транзакциялар сони 1,1 минг тани (0,001 фоизни), аккредитив тўлов ҳужжати бўйича амалга оширилган транзакциялар суммаси эса 95,9 млрд. сўмни (0,01 фоизни) ташкил этмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, республикамида банк пластик карталари инфраструктураси жадал ривожланиши ҳисобига тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки орқали ҳеч қандай тўлов охирги 5 йилдан бери амалга оширилмаганлигини кузатишимиш мумкин.

3-чизма

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 2018 йил мобайнида тўлов ҳужжатлари бўйича амалга oshiрилган транзакциялар суммаси, млрд. сўм



Ҳисобот йили давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими 274 банк иш кунида 2 930 соат фаолият юритган бўлиб, ўртacha кунлик иш вақти 10,7 соатни, ўртacha кунлик транзакциялар сони 272,5 минг тани, ўртacha кунлик транзакциялар суммаси 3,1 трлн. сўмни ҳамда ўртacha ойлик транзакциялар сони 6,2 млн. тани, уларнинг суммаси эса 70,5 трлн. сўмни ташкил этди.

2. Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими таҳлили


Жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-қитобларнинг, шу жумладан, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уй-жой коммунал, мобиль алоқа, рақамли телевидение, нотариал ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида ҳамда банк ҳисобваракларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда мазкур тизим орқали барча тижорат банклари тўловларни амалга оширмоқда.

Хозирги кунда, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими билан Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги Газначилиги, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари маркази, Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, шунингдек, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Сувсоз” давлат унитар корхонаси ва бошқа коммунал ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солик ва бошқа мажбурий тўловлар, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, шунингдек бошқа қатор тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имконияти жорий этилган. Бугунги кунга келиб, республикамида қарийб 35 та хизматлар бўйича Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали хизматлар бўйича реал вақт режимида 2017 йил мобайнида 5 181,3 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлса, хисобот йили ҳисобланган 2018 йил мобайнида тўловлар суммаси 2017 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортиб, 10 154,9 млрд сўмга етганлигини кўришимиз мумкин.


4-чизма

Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар Клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси (млрд. сўмда)



Жумладан, Марказий банкнинг ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали ҳисобот йилида амалга оширилган транзакциялар суммасининг 3 415,5 млрд. сўмини (амалга оширилган транзакциялар суммасининг 33,6 фоизи) Ғазначилик тўловлари, 1 736,9 млрд. сўмини (17,1 фоиз) электр энергияси учун тўловлар, 1 688,2 млрд. сўмини (16,6 фоиз) табиий газ тўловлари, 1 051,1 млрд. сўмини (10,4 фоиз) солик ва бошқа мажбурий тўловлар, 746,3 млрд сўмини (7,3%) нотариус ва ФХДЁ тўловлари, 254,7 млрд. сўмини (2,5 фоиз) божхона тўловлари, 369,9 млрд. сўмини (3,6 фоиз) иссиқлик қуввати учун тўловлар, 271,2 млрд. сўмини (2,7 фоиз) биометрик паспорт олиш учун тўловлар, 129,4 млрд. сўмини (1,3 фоиз) йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима тўловлари ҳамда 491,7 млрд. сўмини (4,8 фоиз) бошқа тўловлар ташкил этган.

5-чизма



3. Масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг ривожланиши

Мамлакатимизда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарблигини инобатга олиб, тижорат банклари томонидан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобил-банкинг, sms-банкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида кенгайтиришни жадаллаштириш мақсадида

ҳисобот йилида йиллик мақсадли кўрсаткичлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур тизим босқичма-босқич ривожлантириб борилмоқда.

Турли хорижий давлатлар тажрибаси тўлов тизимларининг ривожланиши биринчи навбатда тўлов воситалари ва хизматларини кенгайтириш натижасида банк операцион ҳаражатларини камайтириш ва хизматлар самарадорлигини оширишга олиб келишини кўрсатмокда. Шу билан бирга, банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимлари орқали онлайн тўловларни кенг қўлланилиши тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ банк хизматларининг шаффоғлигини ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, банклар ва банк мижозлари учун қулай бўлган масофавий банк технологиялари, яъни интернет банкинг, sms-банкинг ва мобайл банкинг каби замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Мижозларга замонавий технологиялар асосида янги хизматлар кўрсатиш натижасида банк мижозларининг сони ва банкларга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Замонавий тўлов технологиялари ва масофавий банк хизматларини ривожланиши билан биргаликда масофавий банк хизматлари тизимлари ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари ўзларининг мобил иловаларини жорий қилган бўлиб, у орқали қуидаги хизматлар мижозлар (жисмоний шахслар) фойдаланиши учун реал вақт режимида таклиф этилмоқда:

картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш;

алоқа, коммунал, солиқ, бюджет, интернет-провайдерлар, рақамли телевидение ва бошқа бир қанча тўловларни амалга ошириш;

мижознинг талабига кўра банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш);

олинган кредит бўйича тўловларни сўндириш (амалга ошириш);

онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобваракларини масофадан очиш;

халқаро банк карта ҳисобварагидан тўловларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш, онлайн конверсия хизматлари;


халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни мижознинг ҳохишига кўра банк ҳисобвараги ёки банк картасига киритиш;

банк инфратузилмалари (филиаллар, айирбошлиш шаҳобчалари, банкомат ва инфокиосклар) дислокацияси ҳақида маълумот олиш.

Алоҳида қайд этиш жоизки, республикамизда 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 7 959 107 та бўлиб, шундан банк ҳисобваракларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 359 770 тани ташкил этган бўлса, банк пластик карталари ва банк депозит ҳисобвараклари бўйича банк ҳисобваракларини

масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони эса 7 599 337 тани ташкил этади. Бу эса, 2018 йил 1 январь ҳолатига (4 453 240 тага) нисбатан банк ҳисобварагларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 178,7 фоизни, мос равишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони (227 879 тага) 157,9% ни ҳамда жисмоний шахслар сони (4 225 361 тага) нисбатан 179,9% ни ташкил қилганлигидан далолат беради.

6-чиズма




2018 йил давомида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жихозлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида республика банклари томонидан банк пластик карталари ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

2019 йил 1 январь ҳолатига 17 686 минг та банк пластик карталари муомалада бўлиб, 2018 йил мобайнида ДУЭТ тизими банк пластик карталари билан боғлиқ лойиҳаларнинг тугатилганлиги муносабати билан умумий сони қисқарган. Тўлов терминаллари сони эса 2018 йил 1 январь ҳолатига 235 712 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил мобайнида 3,9 фоизга ортиб 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 244 913 тани, шунингдек банкомат ва инфокиосклар сони эса 2018 йил 1 январь ҳолатига 5 632 тани ташкил этган бўлса, 2018 йил мобайнида қарийб 21,8 фоизга ортиб 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 6 859 тани ташкил этган.


7-чизма

**Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган
банк пластик карталари сони 1 январь ҳолатига (мингда)**



8-чизма

**Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган терминаллар сони
(1 январь ҳолатига)**



9-чизма

**Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони
(1 январь ҳолатига)**



4. Миллий банклараро процесинг марказини яратиш борасида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сон “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош маркази таркибида Миллий банклараро процесинг марказини ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Миллий банклараро процесинг марказининг муваффақиятли ишга туширилиши банк карталарига асосланган тўлов хизматларини кўрсатувчи чакана тўлов тизимлари ўртасида рақобат муҳитининг пайдо бўлишига, тўлов хизматларидан фойдаланувчилар учун хизматдан фойдаланганлик учун тўланадиган комиссион ҳақ арzonлашишига, илғор технологияларни қўллаган ҳолда масофавий нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини оширишга, банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари сонининг ортиши билан мамлакат тўлов тизимида рўй бериши мумкин бўлган рискларни камайтиришга хизмат қиласди.

Тўлов тизими брендини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан янги ташкил этилаётган тўлов тизими учун ном танлашга конкурс эълон қилинди. Аҳоли ўртасида ўтказилган овоз бериш натижалари бўйича “Humo” варианти 45,3 фоиз билан биринчи ўринни эгаллади.



Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда “Humo” тўлов тизими учун муҳандислик инфратузилмаларини яратиш ва банк карталари, терминал қурилмалари, банкоматлар харид қилиш бўйича ишлар ҳам параллел равища амалга оширилмоқда.

Мазкур тўлов тизимини 2019 йил мобайнида тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, етакчи хорижий тўлов тизимлари (Mastercard, Visa, UnionPay ва бошқалар) билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларининг ташкилий-хуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг фаолият юритиш механизmlарини белгилаш мақсадида Марказий банкнинг 1344-сонли

“Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2018 йилнинг 16 июнида Марказий банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланди ва 23 июлда Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Марказий банкка Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида вазифа юклатилган.

Тўловларни узилишларсиз ўтказилишини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни қўлланилиши, банк хизматларининг оммабоплигини ошириш мақсадида тўлов тизимларини яратиш ва фаолият юритиши, тўлов тизимларининг ягона ахборот мухитини шакллантириш, уларни назорат қилиш ва кузатиб бориш, тўлов хизматларини қўрсатиш, нақдсиз тўловларни ва пул ўтказмаларини амалга ошириш, жумладан электрон пулларни ўтказиш соҳаларидағи муносабатларни тартибга солиш зарурияти вужудга келди.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини, шунингдек халқаро норма ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда мазкур лойиҳа тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан мухокама қилиниши учун Норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталига жойлаштирилди.

Ҳозирги кунда Қонун лойиҳаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган бўлиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши учун Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш жараёнида эканлигини қайд этиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши қуйидагиларни таъминлайди:

биринчидан, тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот ва хукуқий мухитини яратиш;

иккинчидан, Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини, тўлов тизимларининг ишлашини, тўлов тизимларининг операторлари ва тўлов хизматларини кўрсатувчиларнинг фаолиятини самарали тартибга солиш;

учинчидан, тўлов хизматларининг оммабоплиги ва шаффофлигини, жумладан қишлоқ жойларда ва узоқ худудларда ошириш;

тўртинчидан, электрон пуллар соҳасидаги муносабатларни ва электрон пуллар тизими иштирокчиларининг фаолиятини тартибга солиш.